



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 17 май, № 96 (8719)

Жума Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## САНЪАТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОР МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкалининг очилиш маросимида иштирок этди, маданият ва санъат соҳасидаги янги маскан ва лойиҳалар билан танишди.



Давлатимиз раҳбари миллий эстрада санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкали очилиш муносабати билан ўтказилган тадбирда санъат муҳлисларини қизғин табриклади.  
— Бугун юртимизда катта шодиёна — санъат ва маданият байрами. Азим Тошкент шаҳрининг қоқ марказида халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб муаззам ҳайкал очилмоқда. Мана шу қувончли воқеа муносабати билан сиз, азизларни, раҳматли Ботир Зокировнинг яқинлари, шогирд ва мухлисла-

рини, бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, — деди Президент.  
Ботир Зокиров 1936 йилда санъаткорлар оиласида туғилиб, вояга етган. 29 ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган. 2000 йилда “Буюк хизматлари учун” ва 2021 йилда “Эл-юрт хурмати” орденлари билан мукофотланган.  
Давлатимиз раҳбари хонанданинг беназир истеъдод ва инсоний фазилатларини эътироф этди.  
Ботир Зокиров жуда қисқа — 49 йил умр кўрган. Лекин шу йиллар давомида ўзидан

ранг-баранг ва бой ижодий мерос қолдирган. Унинг сеҳрли овози юртимиздаги ҳар бир хонандонга кириб бориб халқимиз қалбидан, санъатимизнинг олтин фондидан жой олган. Дунёнинг маданият пойтахтларида ўзбек санъатини зўр муваффақият билан намойиш этган.  
Хонанда 1955 йилда, айна кучга тўлган пайтида оғир дардга йўлиқди. Бир неча марта жарроҳлик амалиётларини бошидан ўтказди. Шифокорлар унга қўшиқ айтишни тақиқлаб қўйди. Лекин шу аҳволда ҳам ижоддан, қўлашдан тўхтамади.

Ботир Зокиров умр бўйи янгиликка интилиб яшарди. Шарқ фольклори ва замонавий эстрада санъатини уйғунлаштириб, “Мюзик-холл” ижодий жамоасини ташкил этган, хонанда ва композитор сифатида қўллаб-қувватлаб истеъдодли ёшларга устозлик қилган. Республикада хизмат кўрсатган “Ялла” ансамблининг ташкил топишида Ботир Зокировнинг хизматлари бекиёсдир.  
Буюк санъаткорнинг сўнмас хотирасини эъзозлаш, ижодий меросини ўрганиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Хусусан, Президент қарори қабул қилиниб, 2021 йилда Ботир

Зокировнинг 85 йиллик таваллуд айёми кенг нишонланди. Улуғ ҳофиз номидаги миллий мукофот таъсис этилди. У ҳақда илмий ва бадиий асарлар, ҳужжатли фильм ва спектакллар яратилди. Яқинда Ботир Зокировнинг хотира кечаси мамлакатимиз жамоатчилиги ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган атоқли санъаткорлар иштирокида катта шодиёна сифатида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОКИРОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!  
Хурматли маданият ва санъат намояндалари!  
Бугун юртимизда катта шодиёна — санъат ва маданият байрами, раҳматли Ботир Зокировнинг яқинлари, шогирд ва мухлисларини, бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.  
Муҳтарам дўстлар!  
Муқаддас юртимиз заминидан асрлар давомида не-не буюк аллома ва шоирлар, адиб ва мейморлар, муҳандис ва рассомлар, ҳофиз ва бастакорлар етишиб чиққанини яхши биламиз. XX асрда ана шундай улуғ зотларнинг муносиб давомчиси бўлиб Ботир Зокиров санъат майдонига чиқди.  
Барчамизга маълумки, у Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокиров ва хонанда Шохиста Саидова оиласида, зиёли бир муҳитда туғилиб, вояга етган эди.  
Тақдир Ботир Зокировнинг зиммасига ўзбек эстрада санъатининг асосчиси бўлишдек улғувор бир вазифани юкляди ва бу вазифани у шараф билан адо этди.  
У санъат оламига қадам қўйганида республика ва собиқ иттифок саҳналарида бири-биридан буюк ва бетакор хонандалар шухрат чўққисига кўтарилиб улгурган эди. Ана шундай машҳур санъат даргалари орасида муносиб ўрин эгаллаш осон эмас эди.  
Аммо Аллоҳ таоланинг ўзи Ботир Зокировга ато этган беназир истеъдод ва инсоний фазилатлар тўғрисида у санъат оламида чинакам муъжизалар яратди.  
Бундай юксак даражага эришиш учун у аввало халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини, мумтоз мусиқа меросимиз, миллий ва умумбашарий қадриятларга таянди.  
Ботир Зокиров ҳаёт машаққатларидан кўрқмайдиган, ҳар қандай шароитда ҳам фақат эзгу мақсад сари интиладиган бекиёс ирода ва матонат соҳиб эди.  
Хонанда 1955 йилда, айна кучга тўлган пайтида оғир дардга йўлиқди. Хасталик тўғрисида бир неча марта гоят мураккаб тиббий операцияларни бошидан ўтказди. Шифокорлар ҳофизнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун унга қўшиқ айтишни тақиқлашга мажбур бўлдилар.

Бундай жасорат, санъатга бундай фидойилик чексиз ҳайрат ва таҳсинга лойиқдир.  
Азиз юртдошлар!  
Ботир Зокиров яшаб ижод қилган мураккаб замонда унинг истеъдоди, шон-шухрати-га гаразли кўз билан қарайдиган кимсалар ҳам, афсуски, йўқ эмасди. Лекин ҳаётни кураш майдони деб билган бу матонатли инсон барча тўсиқларни мардона енгиб ўтди.  
Бетакор ҳофизнинг биллурдек тиниқ овозида халқимизнинг асрий оруз-армонлари, ёруғ кўнларга ишончи баралла янгради. У қисқа муддатда собиқ шўро маконида миллионлаб ихлосмандларга эга бўлган сеvimли санъаткорга айланди. Ботир Зокиров СССРдаги барча йирик шаҳарлар, дунёнинг манаменан деган маданият пойтахтларида ўзбек санъатини зўр муваффақият билан намойиш этди.  
Хонанданинг ижодий репертуари унинг гўзал ва ҳассос қалби сингари кенг эди. Уни хандлар — ҳинд деб, французлар — француз, араблар — араб қўшиқчиси деб қабул қилишар эди.  
Айниқса, 1966 йили Парижда қилган ижодий сафари Ботир Зокировга оламшумул шухрат келтирди. Ушбу шаҳардаги машҳур “Олимпия” театри саҳнасига кўтарилиб, икки марта қўйлаш — эътибор беринг, икки марта қўйлаш — дунёда камдан-кам ижрогага насиб этган. Ноёб истеъдоди билан жаҳонни забт этган бундай афсонавий санъаткоримиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.  
Қадрли маросим қатнашчилари!  
Ботир Зокиров жуда қисқа — бор-йўғи 49 йил умр кўрди. 29 ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди. Салкам 30 йиллик фаолияти давомида ўзидан ранг-баранг ва бой ижодий мерос қолдирди. Улмас ҳофизимизнинг сеҳрли овози юртимиздаги ҳар бир хонандонга кириб бориб санъатимиз олтин фондидан, халқимиз қалбидан мустақкам ўрин эгаллади.  
У умр бўйи янгиликка интилиб яшаган, изланишдан чарчамайдиган, одамларга меҳрибон, олийжаноб бир инсон эди. Шарқ фольклори ва замонавий эстрада санъатини уйғунлаштириб, “Мюзик-холл” ижодий жамоасини ташкил этгани, хонанда ва композитор сифатида қўллаб-қувватлаб истеъдодли ёшларга меҳр кўрсатиб устозлик қилганини алоҳида таъкидлаш лозим.  
Хусусан, республикамизда хизмат кўрсатган “Ялла” ансамблининг ташкил топишида Ботир Зокировнинг хизматлари бекиёсдир. Мана, 50 йилдирки, ушбу мусиқий жамоа ва унинг раҳбари, 6 та мамлакатнинг “Халқ артисти” деган шарафли унвонга сазовор бўлган машҳур хонандамиз Фаррух Зокиров жонажон Ўзбекистонимиз шухратини бутун дунёга тараннум этиб келмоқда.

Бугунги даврамизда Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокировани, Равшан ва Баҳодир Зокировларни, Зокировлар сулоласининг бошқа қўллаб-қувватлаб қўриб турганимиздан хурсандиман. Айниқса, Гавҳар Зокированинг маънавийати фидойисига сифатида қўллаб-қувватлаб қўришимизни кезиб амалга ошираётган эзгу ишлари, ёш авлод тарбияси йўлидаги катта хизматлари учун чин қалбимдан ташаккур билдираман.  
Муҳтарам дўстлар!  
Ботир Зокиров том маънода ватанпарвар инсон эди. Она Ўзбекистонимизни, азим Тошкентни чексиз фарзандлик меҳри билан сева, маҳоратли рассом, таланти адиб ва актёр сифатидаги фаолиятида ҳам Ватанга муҳаббат туйғуси жўш уриб турар эди.  
У утган асрининг 70-йилларида халқ қаҳрамони Спитамен ҳақида “Сўғд элининг қоплони” опера либреттосини яратган ва бу асар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида муваффақият билан намойиш этилган эди.  
Буларнинг барчаси Ботир Зокировнинг олмосдек серкирра истеъдод эгаси бўлганини тасдиқлайди.  
Хурматли юртдошлар!  
Инсон қадрини улуғлаш — Янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишидир. Айни шу мақсадда буюк санъаткоримиз Ботир Зокировнинг сўнмас хотирасини эъзозлаш, унинг ижодий меросини ўрганиш бўйича мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021 йили алоҳида қарор қабул қилиниб, хонанданинг 85 йиллик таваллуд айёми кенг нишонланди.  
Ботир Зокиров тахсил олган Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган мана шу гўзал ва обод кўчага у кишининг табаруқ номи берилди. Улуғ ҳофизимиз номидаги миллий мукофот таъсис этилди, эстрада ижрочиларининг республика кўрик-танлови мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ботир Зокиров ҳақида илмий ва бадиий асарлар, ҳужжатли фильм ва спектакллар яратилмоқда, илмий анжуманлар, ижодий учрашув ва кечалар ўтказилмоқда.  
Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурда, кўриб турганимиздек, Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институти барпо этилди. Ушбу олийгоҳда тахсил олаётган навқирон ёшларимиз орасидан Ботир Зокиров каби улуғ санъаткорлар албатта етишиб чиқади, деб ишонимиз ва уларнинг барчасига омад ва зафарлар тилаймиз.  
Яқинда Ботир Зокировнинг хотира кечаси мамлакатимиз жамоатчилиги ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган, у кишининг дўстлари бўлиши атоқли санъаткорлар иштирокида катта шодиёна сифатида ўтказилди.

Ушбу мусиқий анжуман халқимизнинг ўз ардоқли фарзандига бўлган юксак эҳтиромининг яна бир ёрқин намоёни бўлди.  
Муҳтарам дўстлар!  
Албатта, бугун сизларнинг иштирокингизда очилаётган ушбу муҳташам ҳайкал Ботир Зокиров хотирасига ўрнатилган рамзий бир тимсолдир.  
Айни пайтда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатни раванг топтириш йўлида олиб бораётган барча ислохотларимиз ва уларнинг амалий натижалари бу улуғ ижодкорга энг муносиб ёдгорлик бўлади, десам, ўйлаيمانки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.  
Хозирги кунда юртимиздаги юзлаб мусиқа ва санъат мактабларида, техникум ва коллежлар, маданият йўналишидаги институтларимизда, консерваториямизда минглаб истеъдодли ёшларимиз билим ва тарбия олмамоқда. Биз ана шундай иқтидорли ўғил-қизларимизни миллий санъатимиз ворислари, баркамол, ватанпарвар инсонлар этиб вояга етказсак, атоқли санъаткоримизнинг руҳи албатта шод бўлади.  
Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ботир Зокиров ижодий феномени миллий санъатимиз тарихида бутун бошли бир даврни ташкил этди.  
Улуғ санъаткоримизнинг хотирасини абадийлаштириш, бой меросини чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида тарғиб қилиш бўйича бошланган ишларимизни давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда ушбу масала бўйича янги қарор лойиҳасини тайёрлаш топширилади.  
Қарорда, жумладан, Тошкент шаҳрида Ботир Зокиров мемориал музейини барпо этиш, эстрада санъати бўйича Ботир Зокиров номидаги халқаро кўрик-танлов ташкил қилиш, маданият ва санъат олий ўқув юр்தларининг талабалари учун Ботир Зокиров номидаги давлат стипендиасини жорий этиш, “Ботир Зокиров” бадиий фильмини яратиш, Ботир Зокиров номидаги жамағарма ва Миллий эстрада симфоник оркестри фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби вазифалар кўзда тутилиши лозим.  
Фурсатдан фойдаланиб, ушбу ҳудудни обод этишга муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизга, қўлигул курувчи ва муҳандислар, ҳайкалтарош ва мейморларга мамий миннатдорлик билдираман.  
Барчангизни бугунги шодиёна кун билан яна бир бор табриклайман. Бу жой пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари учун кутлуғ зиёратгоҳга айланади, деб ишонаман.  
Дунёга Ботир Зокировдек буюк зотларни берган халқимиз омон бўлсин!  
Миллий санъатимиз доимо гуллаб-яшнасин!

## МАЛАЙЗИЯ БОШ ВАЗИРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим 17 — 19 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташрифнинг биринчи кунинда Тошкент шаҳрида олий даражадаги тадбирлар ва музокаралар ўтказилиши режалаштирилган.  
Саммит кун тартибидан тизимли сиёсий мулоқотни ривожлантириш ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, савдо, инновациялар, энергетика, нефть-кимё, саноат, электротехника ва электроника, иқтисодий ҳўжалиги ва иқтисодийнинг бошқа соҳаларида аниқ кооперация дастурлари ва лойиҳаларини илгари суриш масалалари ўрин олган.  
Бундан ташқари, халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан фикр алмашлади.  
Малайзия Ҳукумати раҳбари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига ҳам ташриф буюриб, халқимизнинг бой маданий-тарихий ва маънавий мероси билан танишди, қўшма бизнес форумида иштирок этди.

Ў.А.

## Ўзбекистон — Малайзия: ЎЗАРО МАНОФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг Ўзбекистонга ташрифи арафасида мамлакатимизнинг Куала-Лумпур шаҳридаги элчиси Каромиддин ГАДОВЕВ “Дунё” АА учун интервью берди ва унда икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари ҳақидаги фикрларини билдирди:

— Ўзбекистон ва Малайзия кенг қамровли мулоқотни жадал ва самарали ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жорий йил 17 — 19 май кунлари Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг Ўзбекистонга ташрифи режалаштирилган бўлиб, у турли соҳалардаги ҳамкорликни фаоллаштириш ва устувор йўналишларда ийрик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган.  
Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги географик масофага қарамай мамлакатларимизни тарихий риштадор, маданий ва диний ўхшашлик, анъаналарнинг яқинлиги, бағрикенглик ва хилмахиллик каби умумий қадриятлар боғлаб туради.  
Бу йил расмий Тошкент ва Куала-Лумпур ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 32 йил тўлди. Малайзия 1992 йил 1 январда Ўзбекистон мустақиллигини Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб тан олган.  
1992 ва 2005 йилларда Малайзияга, 1993 — 2008 йилларда Ўзбекистонга олий даражадаги расмий ташрифлар алмашинуви доирасида дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш пойдевори қўйилди.

➔ 3

# САНЪАТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОР МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Ботир Зокиров тахсил олган ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган кўчага у кишининг табаррук номи берилди. Ушбу консерватория хузурида Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти барпо этилди. Энди бу ерда ҳайкал ўрнатилиши мажмуага янада кўрк бағишлади.

— Бу ҳайкал Ботир Зокиров хотирасига ўрнатилган раъсий бир тимосдир. Айни пайтда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатни раъқат топтириш йўлида олиб бораётган барча ислохотларимиз ва уларнинг натижалари бу улуг иждоқорга энг муносиб ёдгорлик бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Ботир Зокиров иждоқор феномени миллий санъатимиз тарихида бутун бир даврни ташкил этиши таъкидланди. Унинг бой меросини чуқур ўрганиш ва халққа етказиш ишларини давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига алоҳида қарор тайёрлаш топширилди. Унда Тошкент шаҳрида санъаткорнинг мемориал музейини барпо этиш, эстрада санъати бўйича Ботир Зокиров номидаги халқаро кўрик-танлов ва талабалар учун давлат стипендияси жорий этиш, баъдий фильм яратиш, Ботир Зокиров номида-

ги жамғарма ва Миллий эстрада симфоник оркестри фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби вазифалар кўзда тутилди.

Маросимда Ботир Зокировнинг издошлари, санъат ва маданият намояндаси сўзга чиқди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон давлат консерваторияси хузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада институти фаолияти билан танишди.

Бу таълим маскани давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 декабрдаги қарори асосида, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллиги доирасида ташкил этилган эди. Маданий ва илмий меросдан фойдаланиб, миллий эстрада санъатини ривожлантириш, моҳир ижрочилар ва педагоглар тайёрлаш, замонавий куй-қўшиқлар яратиш институтининг асосий вазифаларидир.

Утган йилги институт учун 500 ўринли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда ўқиб ва иждоқорчи барча шарафли яратилган. Аудиториялар зарур муҳим анжумани ва техникалар билан жиҳозланган.

Институтида эстрада вокал санъати, чолғу ижрочилиги, техноген санъат, бас-

такорлик санъати, санъатшунослик, дирижёрлик каби йўналишларда мутахассислар тайёрланмоқда. Бугунги кунда 479 нафар талаба тахсил олмоқда. Уларга профессор-ўқитувчилар, халқ артистлари дарс беради.

Президентимиз дарс жараёнларини кузатиб, ўқитувчи ва талабалар билан мулоқот қилди.

— Аввало, мана шундай даргоҳ билан сизларни, бутун санъатсевар ёшларимизни табриқлайман. Биз бу ишларни нима учун қилямиз? Санъатимизнинг буюк меросини, ёшларимизнинг нималарга қодирлигини дунёга тараннум этиш учун. Институтида миллий санъатимизда феномен бўлган Ботир Зокиров номи берганимиз ҳам бежиз эмас. Бу ерда унинг муносиб издошларини тарбиялашни, истеъдодини юзага чиқаришни мақсад қилганимиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўқув юрти кутубхонасида саккиз мингдан ортиқ адабиёт ва ноталар жамланган. Миллий эстрада бўйича илмий, амалий ва иждоқорчи изланишлар олиб бориш учун тадқиқот маркази ҳам ташкил этилган.

Шу кун Президент Шавкат Мирзиёев Киночилар саройини ҳам бориб кўрди.

Ушбу маскан 2021 йил мукамал таъмирланиб, шароитлари янгиланди. Катта-кичик заллар, ёзги кинотеатр ва хоналар замонавий жиҳозланди. Бугун бу ерда жами 3 минг нафар томошабинни қабул қилиш имкони мавжуд.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ўзбекистон кино санъати музейини кўздан кечирди. Музей 1972 йилда ташкил этилган бўлиб, илгари музей-архив сифатида фаолият юритган. Унда эллик мингдан ортиқ тарихий буюм, либос, расм ва кинотасмалар бор.

Эндиликда музей Киночилар саройига кўчирилиб, кўргазмага қўйилди. Биринчи қаватдаги экспонатлар эски киносининг тарихи ва асосчилар, сўнгги йиллардаги ютуқларига бағишланган. Иккинчи қаватда тарихий фильмлардаги либослар, атоқли киноижодкорлар ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган. Аҳамиятлиси, кино кўриш истагида келган борки, шу тарих билан танишиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда режиссёр ва актёрлар, киношунослар, соҳа мутахассислари билан суҳбатлашди.

— Сўнгги йилларда миллий киномиз қайта "уйғонди", десак тўғри бўлади. Юқори савияли, замонавий сифатли фильмлар пайдо бўлди. Бунинг учун сиз-

ларга миннатдорлик билдираман. Шу билан бирга, кинематографияни ривожлантириш учун яна нималар қилишимиз керак, деган савол мени ўйлантиради. Агар тарихимизни дунёга тараннум этмоқчи бўлсак, халқимизнинг миллий ғурурини кўтармоқчи бўлсак, буни, биринчи навбатда, кино ёрдамида амалга оширишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Мулоқотда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Тирик тарих" туркумидаги фильмлар лойиҳаси тақдимот қилинди.

Бу 2024 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегик дастур бўлиб, энг қадимги ўтмишимиздан тортиб, яқин тарихимизгача бўлган жуда катта даврни қамраб олади. Яратилажак фильмларнинг мавзуси кенг ва ранг-баранг.

Жумладан, Милоддан аввалги VI асрда яшаган миллий қаҳрамонимиз Широқ ҳақида, миллий давлатчилигимиз тарихида ўчмас из қолдирган Алп Эр Тўнғар, соҳибқирон Амир Темур ва теурийлар ҳақида, шу пайтгача етарли ўрганилмаган шайбонийлар ҳақида, қорақалпоқ шоири Ажиниёв ва бошқа машҳур адиблар ҳақида, буюк алломаларимиз ва миллий истиқлол курашчилари ҳақида ҳикоя қилиниши кўзда тутилган.

Лойиҳада чет эллик ҳамкорлар, хусусан, Испания, Германия, Венгрия, Россия, Беларусь, Туркия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Озарбайжон, Қозғистон, Туркменистон, Тожикистон каби давлатларнинг кино санъати усталари ҳам иштирок этиши режалаштирилган.

— Албатта, бу дастур ва гоёларни амалга ошириш учун кўп моддий имконият талаб этилишини, юзлаб истеъдодли мутахассислар зарурлигини ҳам барчамиз яхши биламиз. Қанчалик қийин бўлмасин, биз том маънодаги улкан, тарихий бу лойиҳанинг молиявий масалаларини ҳал қиламиз. Негизда, ушбу дастур шонли ўтмишимизни чуқур англаб, шу асосда келажакка ишонч билан дадил қадам қўйишга, ёшларни чинакам ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш, унчинчи Ренессанснинг барпо этишга катта туртки бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мулоқотда киноижодкорлар маъзуру туркум фильмлар ва соҳани ривожлантириш юзасидан тақлифларини билдирди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Иқром АВВАЛБЕКОВ,  
ЎЗА муҳбирлари.

## Мулоқот ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ФИКР АЛМАШИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Осиё хотин-қизлари форуми доирасида Парламентларо Иттифоқ Бош қотиби Мартин Чунгонг билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида Олий Мажлис Сенати ва Парламентларо Иттифоқ ҳамкорлигининг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. Хусусан, 2025 йили Ўзбекистонда ўтказиладиган Парламентларо Иттифонинг 150-юбилей ассамблеясининг ташкилий жараёнлари юзасидан фикр алмашилди.

Ассамблея парламентларо ўртасида халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар бўйича ўзаро тажриба алмашиш, Ўзбекистон парламенти фаолияти билан танишиш, 2030 йилгача бўлган стратегияни амалга оширишда парламентларнинг иштирокини фаоллаштириш, БРМга эришиш йўналишларини муҳокама қилиш учун муҳим платформа бўлиши алоҳида қайд этилди. Шунингдек, юртимизда ўтказиладиган ассамблея инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, ёшлар имкониятларини кенгайтириш, иқлим ўзгаришига қарши курашда парламентларо ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Учрашув якунида ҳамкорликни барча йўналишда янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

## ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ИЛҒОР АМАЛИЁТ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Европа комиссияси Халқаро ҳамкорлик бўйича бош директоратининг Инсон тараққиёти, миграция, бошқарув ва тинчлик бошқармаси директори Эрика Герретсен билан учрашув ўтказди.

Томонлар инсон тараққиёти индекси, БРМни амалга ошириш, хавфсиз меҳнат миграциясини ташкил этиш каби соҳаларда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларини муҳокама қилди.

Айни чоғда ушбу муҳим йўналишларни ривожлантириш билан бирга, ижтимоий инклюзивлик ва иқтисодий барқарорлик бўйича илгор амалиёт ва тажриба алмашиш, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ҳамда камбағалликка қарши курашиш борасида самарали ҳамкорлик қилиш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Европа Иттифоқи томонидан парламентаризмни мустаҳкамлаш бўйича "Inter Pares" глобал дастури лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган ишларни фаоллаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ ЎРНАТИШ МАСАЛАСИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Кипр Республикаси ташқи ишлар вазири Константинос Комбос билан музокара ўтказди.

Сўҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш, парламентларо алоқаларни йўлга қўйиш масалалари диққат марказида бўлди.

Мулоқот давомида давлатлараро муносабатлар фаоллашувининг амалий ифодаси сифатида парламентларо ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Олий Мажлиснинг Кипр Вакиллар палатаси билан мулоқотини барча даражада тизимли ва самарали йўлга қўйиш, шунингдек, халқаро парламент тизимлари доирасида конструктив ҳамкорликни ўрнатиш бўйича келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

## Душанбе шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Бош прокурорларининг 5-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н. Йўлдошев бошчилигидаги делегация ҳам қатнашди.

## ҲАЁТИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурриддин Исмоиловнинг Кипр ташқи ишлар вазири Константинос Комбос бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

### Учрашув

Мулоқот чоғида делегация аъзоларига "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган устувор вазифалар, унинг доирасида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини рўйбга чиқариш борасидаги савий-харакатлар ҳамда икки палатали парламент фаолияти, қонун иждоқорлиги йўналиши, палата кўмиталари, комиссиялари ҳамда депутатларнинг асосий вазифалари тўғрисида атрафлича маълумотлар берилди.

Конструктив рўҳда ўтган учрашувда Ўзбекистон — Кипр ўртасидаги парламентларо алоқаларини янада кенгайтириш ва уни янги мазмун билан бойитиш, норма иждоқорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, Кипр ташқи ишлар вазири К. Комбос сўнгги йилларда Ўзбекистон барча соҳада тез суръатларда ривожланиб бораётгани, бу жараёнда Президент Шавкат Мирзиёевнинг амалий ҳаракатлари ва ташаббуслари муҳим аҳамият касб этгаётганини таъкидлади.

Шунингдек, парламентларо ҳамкорликни янги босқинга олиб чиқиш ва мустаҳкамлаш икки томон манфаатларига бирдек хизмат қилиши қайд этилди.

Самимий ва дўстона рўҳда ўтган учрашувда ўзаро ҳамкорликни янги босқинга олиб чиқишга келишиб олинди.

## Қонунчилик палатасида НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ЯКУНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан "Мудофаа ишлари органларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш" яқунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Қуролли Кучлар Академиясида ташкил этилган йиғилишда кун тартибидagi масала кўмита аъзолари, Мудофаа вазирлиги раҳбарлари ҳамда маъсулларни иштирокида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Қуролли Кучлар бошқарув тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хусусан, ягона автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш ва рақамлаштириши яна-

## Қонун лойиҳаси ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ МУҲОҲАЗАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси томонидан "Ҳайвонларни шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама-сига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда экология ва атраф-муҳитни асраш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга оид муносабатларни тартибга солиш учун ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун билан ёввойи ҳайвонлар мажмуини муҳофаза этиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги масалалар баътафсил тартибга солинган.

Бироқ жамиятда ҳайвонларга, жумладан, уй ҳайвонлари ва қаровсиз ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатлари учраб турибди. Аниқланганидек, уларни чиллаш, идентификация, вакцинация ва стерилизация қилишнинг замонавий тизими йўлга қўйилмаган. Қолаверса, ҳайвонларга нисбатан шафқатсизликка қарши қўрилаган чораларни кучайтириш зарурати сабабли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан "Ҳайвонларни шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Назоратсиз ҳайвонларни тутиш ва вақтинча сақлаш билан боғлиқ тўпналиб қолган муаммоларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида уй ҳайвонларини руйхатга олиш, чиллаш, қаровсиз ҳайвонларнинг ҳисобини юритиш ва сақлашга доир нормалар ўз аксини топган. Ҳайвонларга эгалик қилиш ҳуқуқи, уларнинг мулкдорлари (эгалари) ёки маъсул шахсларнинг мажбурийлари аниқ қилиб мустаҳкамланмоқда.

Бундан ташқари, ҳайвонларнинг шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилинишини таъминлашга ваколатли

давлат органлари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчалари, ваколатлари белгиланаётди. Энг муҳими, қаровсиз қолган ҳайвонлар билан муомалада бўлиш қоидалари тартибга солинмоқда. Ҳайвонлардан илмий, ўқув, тиббий, биология, ветеринария, шунингдек, диагностика мақсадида фойдаланишни тартибга солиш нормалар ҳам қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамиятда ҳайвонларга нисбатан инсонпарварлик маданияти ва масъулият ҳисси шакллантирилишига хизмат қилишини таъкидлашди. Шунингдек, ҳайвонларни ҳаёт кечиришга бўлган табиий ҳуқуқлари қаролатганини, дунё мамлакатларининг тажрибаси ва халқаро ташкилотларнинг тавсияларини инобатга олишга оид тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Берилган фикр-мулоҳазалар асосида қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга келишиб олинди.

## Қонунчилик палатасида НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ЯКУНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

вазифа сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан мудофаа ишлари органларида ушбу вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати жойларга чиққан ҳолда ўрганилган эди.

Мунозаралар давомида Мудофаа вазирлиги тизимига ахборот технологияларида кенг фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича кўриб чиқилди.

Шунингдек, мудофаа ишлари органлари фаолиятининг таҳлилий натижалари асосида улар зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишга тўқсинлик қилаётган муаммоларни бар-

тариф этиш, қақирлувчиларга қўшимча қулайликлар яратишга қаратилган бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, соҳага оид қонунлар ва қонуности ҳужжатларини хатловдан ўтказиш, уларни бугунги замон талаблари ҳамда ҳориний тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, соҳага жорий этилган илгор рақамли технологияларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Яқунда ўрганиш давомида аниқланган муаммоли масалаларни ҳал этиш, мудофаа ишлари органлари фаолиятини янада яхшилаш бўйича вазифалар белгиланган кўмита қарори қабул қилинди.

ноя, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ёки психотроп моддаларининг, шунингдек, кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг қонунга хилоф равишда оланлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки жўнатганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Иштирокчилар томонидан мазкур қонуннинг қабул қилиниши гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларни тарғиб ёки реклама қилгани учун жазо муқаррарлиги принципи тўлиқ таъминлишини, ушбу ноқонуний маҳсулотлар савдоси ёшлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилишига чек қўйишга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Қонунлар юзасидан сенаторлар ва мажлис иштирокчилари қатор фикр-мулоҳазаларини билдирди. Яқунда қўрилган масалалар юзасидан Сенат кўмитаси қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари, Ёшлар парламенти ҳамда кўмита хузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кўмита мажлисида дастлаб юртдошларимиз орасида мунозараларга сабаб бўлган "Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги қонун қизгин муҳокама қилинди.

Кайд этилганидек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини узоқ йиллардан буён қийнаб келаятган му-

аммолардан бири улар томонидан ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкалари, у ерда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш бўйича ҳуқуқий асос мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш бўйича бир неча бор ўтказилган "бир марталик акция" доирасида ҳуқуқ эътироф этилишига қарамасдан ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкалари, у ерда қурилган бино ва иншоотларнинг сони кўпайиб, акция муддатининг қисқалиши ва турли хил бошқа сабабларга қўра ҳуқуқлар тўлиқ эътироф этилмай қолаётгани.

Мазкур масала фуқаролар мунозараларида ва ижтимоий тармоқлар-

да кўтарилган, республика ишчи гуруҳи томонидан атрафлича ўрганилди. Айнан шу ўрганиш жараёнида сенаторлар ҳам иштирок этиб, худудлардаги ҳақиқий ҳолатга ғувоб бўлдилар. Шундан келиб чиқиб, сенаторлар муҳокама жараёнида мазкур қонун бу каби муаммоларга ечим топши мақсадида ишлаб чиқилганини алоҳида айтиб ўтди.

Қонун билан фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкасига, унда қурилган бинолар ва иншоотларга ҳуқуқларни эътироф этиш асослари аниқ тартиблар билан белгилаб қўйилмоқда.

Шундан сўнг кўмита мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Жи-

ноя, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ёки психотроп моддаларининг, кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг қонунга хилоф равишда оланлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки жўнатганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Иштирокчилар томонидан мазкур қонуннинг қабул қилиниши гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларни тарғиб ёки реклама қилгани учун жазо муқаррарлиги принципи тўлиқ таъминлишини, ушбу ноқонуний маҳсулотлар савдоси ёшлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилишига чек қўйишга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Қонунлар юзасидан сенаторлар ва мажлис иштирокчилари қатор фикр-мулоҳазаларини билдирди. Яқунда қўрилган масалалар юзасидан Сенат кўмитаси қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# Ўзбекистон — Малайзия: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Шунингдек, ташрифлар давомида бир қатор истиқболли соҳаларда ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланган эди. 2003 йилда Малайзия Подшоҳи Сайид Сирожуддин Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Сўнги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада мустақамланди. Икки томонлама ҳамкорликда ижобий натижаларга эришилди, сиёсий мулоқот фаоллашди, томонлар халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини фаол қўллаб-қувватламоқда, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар тараққий этапти.

2023 йил 1 декабрь куни Дубай шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференцияси доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Подшоҳи Султон Абдуллоҳ Риоутуддин Ал-Мустафо Биллох Шох билан учрашди. Ушбу олий даражадаги мулоқот натижалари икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Икки мамлакат қонун чикарувчи органларидаги дўстлик гуруҳлари фаолияти доирасида парламентлараро алоқалар муваффақиятли ривож топмоқда. 2023 ва 2024 йилларда икки давлат ташқи ишлар вазирлари ўзаро ташриф алмашдилар. Шу йилнинг февраль ойида Куала-Лумпурда Ўзбекистон — Малайзия бизнес форуми бўлиб ўтди.

2023 йил октябрь ойида Малайзия туризм, санъат ва маданият вазири Тионг Кинг Синг бошчилигидаги делегация Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясида иштирок этди ва форум давомида туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланди. Малайзия туризм ташкилоти Бош ассамблеясида иштирок этди ва форум давомида туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Малайзия ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг муҳим механизми ҳисобланади. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг бешинчи давраси 2022 йил март ойида Путражая шаҳрида ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасида бўлиб ўтди. Сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги даврасини жорий йилда Тошкентда ўтказиш режалаштирилган.

Малайзия Ўзбекистоннинг АСЕАН давлатлари орасида муҳим савдо шериги ҳисобланади. 2023 йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2017 йилдагига нисбатан 3 баробар ошиб, 190 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Малайзияга кимё, озиқ-овқат, тўқима-чилик маҳсулотлари ва мевалар экспорт қилади. Малайзиянинг асосий экспорт машина ва транспорт ускуналари, озиқ-овқат ва кимё маҳсулотларидан иборат.

Сўнги йилларда малайзиялик инвесторларнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Малайзия капитали иштирокидаги 33 та корхона фаолият кўрсатаяпти. Эътиборлиси, уларнинг 16 таси 100 фоиз Малайзия капитали асосида ташкил этилган.

Ўзбекистон ўзининг стратегик жойлашуви, ривожланган транспорт инфратўлими ва қўшни давлатлар билан мавжуд эркин савдо шартномалари тўғрисида Малайзия бизнесининг 80 миллион аҳолига эга Марказий Осиё бозорига кириши учун муҳим марказ вазифасини ўташи

# ДОЛЗАРБ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР

Осиёда аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенгликни таъминлашда муҳим ўрин тутлади



Самарқанд шаҳри мезбонлик қилган Осиё хотин-қизлари форуми тарихий воқеликларга бойлиги ва ўзаро тажриба алмашишда ўзига хос мулоқот майдони вазифасини ўтаганлиги билан алоҳида аҳамият касб этди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг форум иштирокчиларига йўллаган табригида илгари сурилган долзарб ғоя ва ташаббуслар пировардида китъамиз хотин-қизларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни давлат ва жамият ишларига кенг жалб этишда муҳим аҳамиятга эга, десак, айни ҳақиқат.

## Акс садо

Давлатимиз раҳбари аёллар иқтисодий салоҳиятини тўлиқ очиб бериш бун Осиё китъаси тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бунинг учун аёлларнинг давлат бошқаруви, тадбиркорлик ва меҳнат бозоридagi улушини ошириш талаб этилади. Зеро, тадбиркор аёлларни кўпайтириш ҳамда уларга таълим, касбий тайёргарлик ва молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятини яратиш хотин-қизларнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

Қолаверса, табрикда аёлларга етакчилик ва тадбиркорлик кўникмасидан фойдаланиш учун платформа ва имкониятлар бериш муҳимлиги ҳам қайд этиб ўтилди. Бу бежиз эмас. Инсоният тарихининг гуллаб-яшнаган даврлари ва ҳозирги ривожланган давлат-

лар мисолида аёлларнинг қарор қабул қилиш ва бошқаришдаги фаол иштироки жамиятлар раванга, аҳоли фаровонлигига замин ҳозирлаганини кузатиш мумкин. Шу боис кейинги йилларда бу борада Ўзбекистонда дадил қадамлар ташланди. Натижада парламенти ошириш талаб этилади. Зеро, тадбиркор аёлларни кўпайтириш ҳамда уларга таълим, касбий тайёргарлик ва молиялаштиришдан фойдаланиш имкониятини яратиш хотин-қизларнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат тараққиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

ҳаётини яхшилайти, балки жамиятнинг узоқ муддатли иқтисодий ўсиши ва ривожига ҳам туртки беради. Шу боис Ўзбекистонда кейинги даврда тадбиркор аёллар сонини кўпайтириш бўйича дадил қадамлар ташланди. Натижада ишбилармонлик йўналишидаги аёллар сони икки баравар кўпайди, таълим ва касбий тайёргарликдан фойдаланиш борасида ҳам ижобий натижалар кузатиш мумкин.

Сўнги етти йил ичида Ўзбекистон давлат бошқаруви органларида хотин-қизлар улуши муттасил ўсиб, 27 фоиздан 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи ва Сенат аъзоларининг эса 25 фоизи аёллардир. Муҳими, бу йўналишдаги саяё-ҳарақатлар тобора пизчилик касб этмоқда. Аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги фаоллигини янада кучайтириш мақсадида қонун ҳужжатларига сиёсий партиялардан депутатлик номзодлар кўрсатишда хотин-қизларнинг энг кам сонини номзодлар умумий сонининг 30 фоизидан

“Сўнги етти йил ичида Ўзбекистон давлат бошқаруви органларида хотин-қизлар улуши муттасил ўсиб, 27 фоиздан 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи ва Сенат аъзоларининг эса 25 фоизи аёллардир.”

# ҲАР ТОМОНЛАМА ВА БАРЧА УЧУН ҒОЙДАЛИ БЎЛГАН ҒОРУМ

Самарқанд шаҳрида 13-14 май кунлари муваффақият билан ўтказилган Осиё хотин-қизлари форумини зўр қизиқиш ва диққат билан кузатиб бордик. Унда жаҳон ва айниқса, Осиё аёлларининг муаммоларига, уларни ечиш йўлларига катта эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг хотин-қизлар оғирини енгиллаштиришга, жамиятда уларнинг эркаклар билан тенглигини таъминлашга оид сиёсати эътироф этилди.



диплари ҳисобидан 25 мингдан зиёд оилалар ўз уйига эга бўлди. Бу борада 6,2 минг аёлга уй-жой шароитини яхшилаш ва кредитнинг бошланғич бадалини тўлаш учун 200 млрд. сўм субсидия ажратилгани қайд этиш лозим.

издан чиқарган. Айни пайтда дунёда ҳар учинчи аёл уйда, жамоат жойларда, ишхонада ёки медаммайдонда таъзия ва зўравонликка учрамоқда. Айрим давлат ва жамиятларда ҳамон қарорлар қабул қилишда хотин-қизлар иштироки жуда кам. Ишлайётган аёллар ҳам эркакларга нисбатан 20 фоиз кам маош олади.

Форум якунида олиб борилган музокара ва муҳокамалар натижаси сифатида Самарқанд декларацияси қабул қилинган, унда хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва уларни амалда таъминлаш, гендер тенгликка эришиш, зўравонликка барҳам бериш, гуманитар ҳуқуқни ҳурмат қилишга қаратилган мақсадлар акс этгани ҳам китъамизда ашаётган ҳар бир аёлнинг қалбига умид унқулдорини алангалатган бўлса, ажаб эмас. Зеро, декларацияда Осиё мамлакатларида ХХI асрда ҳар ким тенглик, тараққиёт ва фаровонлик шариғатида яшаб, адолатли дунё барпо этиш йўлида хотин-қизлар ва эркаклар биргаликда ҳаракат қилган жамият шаклланишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

нинг фан, таълим ва инновацион фаолиятдаги иштироки ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланиши, ҳозирги глобал иқтисодиётда аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш орқали камбағалликни қаммайтириш, тадбиркорлик, етакчилик ва инновацияларга жалб этиш масалаларини муҳокамадан ўтказиш майдони бўлиб хизмат қилди.

Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, оналик ва болалик муҳофазаси таъминлаш масалалари янги қабул қилинган Конституция, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини ҳисобга олиш билан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси каби концептуал ҳужжатларда ўзининг тўлиқ ифодасини топди.

Айни чоғда уларнинг иш шароити, ижтимоий муҳофазаси, меҳнат қилиш ҳуқуқларининг кафолатлари ҳам талабга жавоб бермайди. Бу, айниқса, дунё миқёсида норасмий иқтисодиётда банд бўлган 60 фоиз аёллар ҳаётига бевосита салбий таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, уйда ва жамиятда ҳақ тўланмайдиган ишларнинг 75 фоизи аёллар зиммасига тушади. Хар йили дунё бўйлаб 585 мингдан зиёд аёллар ҳомиладорлик билан боғлиқ асоратлар, 300 мингдан кўпи контрацептив воситалардан нотўғри фойдаланиш тўғрисида вафот этади. Таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган, саводсизликдан азият чекаётган қизлар сони эса 600 млн.дан ошади. Айни статистик маълумотлар халқаро миқёсда ушбу ҳолатга эътибор беришни талаб қилади.

“Аёл бир қўли билан бешикни тебратса, иккинчи қўли билан дунёни тебратадир”, деган ибора бежиз айтилмаган. Бунинг ортида аёлнинг ҳар қандай кенг қўламли ишларга аралаша олиши ва катта натижаларга эришиш учун жуда кўп имкониятларга эга эканлигини даволат беришни маъно этади. Зеро, жамият ва ҳатто дунё тараққиёти, турли соҳалардаги ютуқларида аёлларнинг ҳиссаси катта экани айни ҳақиқат.

Осиё аёллари форуми гендер тенгликка эришишни тезлаштириш ва камбағалликни бартараф этиш орқали хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган саяё-ҳаракатларга кучли туртки беради. Зеро, бунун дунёда аёлларнинг, хусусан, қиз боланинг ўқиби, олий маълумотли бўлиши, касб-хунар эгаллаши оила бахти, фарзандлар камоли, шу асосда бутун жамият равангаки учун хизмат қилади.

Шунингдек, аёллар шу пайтгача аънавий бўлган таълим, тиббиёт, тивувчилик йўналишларидан ташқари рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари каби илғор соҳаларга фаол кириб келди. Боз устига, оналик ва болаликни муҳофазаси қилиш, халқимиз генофондини мустаҳкамлаш устувор вазифага айланган.

Осиё аёллари форуми гендер тенгликка эришишни тезлаштириш ва камбағалликни бартараф этиш орқали хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган саяё-ҳаракатларга кучли туртки беради. Зеро, бутун дунёда аёлларнинг, хусусан, қиз боланинг ўқиби, олий маълумотли бўлиши, касб-хунар эгаллаши оила бахти, фарзандлар камоли, шу асосда бутун жамият равангаки учун хизмат қилади.

Афсуски, бунунги дунёда хотин-қизларга товар сифатида қараш ёки сотиш учун фойдаланиш, уларга нисбатан зўравонлик, зўрлик билан уй хизматлари сифатида сақлаш, таълим олиш имкониятидан маҳрумлик каби муаммолар кўзга ташланади. Осиё хотин-қизлари форуми ана шу муаммоларни бартараф этиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгроқ таъминлаш ҳамда қарор қабул қилгани билан аҳамиятлидир.

Натижада аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги роли кўнайтирилди. Ўзбекистон парламентида, ижро органларида аёллар сони ортди. Бунун вазири, вазири ўринбосари, ҳоким ва ҳоким ўринбосари, йирик нодавлат нотижорат ташкилотли раҳбари лавозимдаги хотин-қизлар синфи пайдо бўлди ва йил сайин улар сони кўпаймоқда.

Ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 2017 йилдаги 27 фоиздан 35 фоизга етгани, айниқса, эътиборлидир. Бу борада Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича расмийлик комиссияси самарали иш олиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Шунингдек, аёллар шу пайтгача аънавий бўлган таълим, тиббиёт, тивувчилик йўналишларидан ташқари рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари каби илғор соҳаларга фаол кириб келди. Боз устига, оналик ва болаликни муҳофазаси қилиш, халқимиз генофондини мустаҳкамлаш устувор вазифага айланган.

“Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашуш” мавзусига бағишланган форумда Осиёнинг етакчи аёл раҳбарлари, 30 дан ортик ҳорижий давлатлардан 81 нафар нуфузли меҳмон — Шарқий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё, Жанубий Осиё ва Марказий Осиё мамлакатлари парламентларининг аёл аъзолари қатнашгани анжуман нуфузидан далолатдир.

Умуман, форум Ўзбекистоннинг хотин-қизлар манфаатлари, гендер тенглигини таъминлаш ва оилалар мустаҳкамлиги борасидаги тажрибасини халқаро жамоатчиликка яқиндан таништириш ва ўртоқлашиш имконини берди.

Ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 2017 йилдаги 27 фоиздан 35 фоизга етгани, айниқса, эътиборлидир. Бу борада Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича расмийлик комиссияси самарали иш олиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Шу маънода айтсак, Осиё китъаси мамлакатлари хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва гендер тенгликни таъминлаш борасида ўзининг бой тажрибасига эга. Шунинг учун ҳам Осиё давлатларининг етакчи хотин-қизлари мазкур соҳадаги мавжуд муаммо ва масалаларни кўриб чиқиш, бир-бирдан ижобий тажрибаларини ўрганиш, муҳим бўлган қарорларни қабул қилиш ва дўстона муносабатларни ўрнатиш мақсадида Самарқандда йилгили.

Иккинчидан, форум хотин-қизлар

Сўнги беш йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошди. Шунингдек, 200 мингга яқин аёллар касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Энг асосийси, 400 мингдан кўп оила-сингиларимиз иш билан таъминланди. Бундан ташқари, хотин-қизларга ажратилган 6 трлн. сўмлик ипотека кре-

Бу ҳар томонлама ва барча учун бирдек манфаатли ҳамда фойдали бўлди, десак, айни ҳақиқатдир.

Гулнора АБДУРАҒМОНОВА, ТДИУ проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

# ДОРИЛАМОН КУНЛАР КЕЛДИ

“Меҳр ва мурувват” жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Азиз Олпоқович Тўраев тирик тарихга менгзагулик инсонлар сирасига кирди. Камтарлик, одамхонлик сингари юксак инсоний фазилатлар, кенг дунёқараш, илму маърифат, адабиёт-санъатга хайрихоҳлик қарийб тўқсонни қоралаётган бу инсоннинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётимизда кечаётган жараёнларга жонқуяр муносабатида ҳам намоён бўлиб туради. Йиллар давомида турли раҳбарлик лавозимларида қанчадан-қанча савобли ишларни амалга оширганга, шогирдлар тарбиялаганига, ўзбек маданияти тараққиётида сезиларли из қолдирганига қарамай, иккидан йироқ домла, ҳали қиладиган ишларимиз кўп, дейди.

“Халқ сўзи” газетаси учун Азиз Тўраев билан икки давр — мустабидлик интиҳоси ва мустақиллик ибтидосини наинки ижодида, балки ўз Шахсида ҳам мужассамлаштирган ўзбек шоираси Ҳалима Худойбердиева таваллуди кунини муносабати билан эксклюзив интервью уюштироқчи бўлганимизда, “Ҳалима халқимиз орасидан етишиб чиққан талант соҳибаси, ўзбек халқи куйчиси, унинг ҳаёти ва ижоди адабий жараён учунгина аҳамиятли бўлиб қолмай, жаҳон аҳлига бизнинг маънавий қиёфамиз ҳақида ҳам бемалол дарак бера олади” дея, саволларимизга бажонидил жавоб беришга розилик билдирди.



Ҳалима Худойбердиева

қолишти. Биз уларни хушнуд қутиб олдик. Гапдан гап чиқиб, уларнинг шарт-шароитидан хабардор бўлдим. Жуда қийналиб кетишибди. Уларни кузатгач, эртаси кунини ўша пайтлардаги Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раиси Воҳид Қозимовга қўнғор қилиб, бу ҳақда сўз очдим. У ҳатто бироз хайрон ҳам бўлиб қолди. Нега деганда, ижрокўм раиси Ҳалима Худойбер-

диёва билан шахмат суришяётган жуда кўп вақтларимизда ҳаёт, жамият, одамлар ҳақидаги мулоҳазаларини тинглаганман. Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировни билардим. Бу юксак

халқимиз унутмади. Президентимиз Шавкат Миромонович ташаббуси билан Шароф Рашидов хотираси учун амалга оширилган ишлар бу улуг инсоннинг ўзбек халқи юрагидан жой олганини исботлади.

— Эшитишимга қараганда, бу шеърини ёзишга шоирани сиз даъват этган экансиз. Ҳатто шеър кўлёмасини ўттиз саккиз йилдан кейин унинг оиласига топширган экансиз.

— Ҳа, шунақа бўлган. Ўзимда нусхасини олиб қолдим. Шароф Рашидовга ва юксак истеъдод соҳибаси Ҳалима Худойбердиевага чексиз ҳурмат-эҳтиромим туғайли, мен бу шеър кўлёмасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, ахён-ахён олиб ўқир эдим. Шунда кўз ўнгимда талатўп даврлар, ҳаётининг сўнгги йилларида ва ўлимидан кейин Шароф Рашидовга нисбатан қилган ноҳақ ишлар, Ҳалима Худойбердиевага нисбатан нотўғри муносабат кўз ўнгимдан ўтар эди. Энди улар иккиси ҳам орамизда йўқлигини ўйлар эдим. Бу ҳаётда инсон нима учун яшайди? Халқ ким? У кимни бошга кўтариб, кимни эъзозлайди? Бу каби мураккаб саволларга тўғнаш келмасдан бурун инсон тўғри йўлдан адашмаслиги кераклигини Ҳалима Худойбердиева жаросат билан, матонат билан ўз ҳаёти мисолида исботлаб ўтди. Тўғри, унга осон бўлмади. Аммо у изтироблар майдонидан виждонини, имонини пок олиб ўта олди. Бундай кучли ижодкор, кучли Шахс бизни фахрлантиради. Халқнинг кучини, халқнинг қудратини ифода этади. Мана, бизда шунақа шоира бор, шунақа Шахс бор деб бемалол айта олишимизга имкон яратлади.

Давлат раҳбари сифатида фаолиятини бошлаган кезларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳалима Худойбердиевани юксак истеъдод соҳибаси эканини эътироф этди. Хотин-қизларга мўлжалланган янги замонавий журнал очилиши ташаббусини илгари суриб, унга Ҳалима Худойбердиева раҳбарлик қилиши таклифини билдирди. Ҳалима Худойбердиева янги куч-ғайрат, илҳом билан иш бошлаб, “Дуоналар” журналарини чиқара бошлади. Шавкат Мирзиёев, умуман олганда, адабиёт ва санъатга, илм аҳлига, зиёлиларга муносабат масалаларида Шароф Рашидов бошлаб берган ишларни янада юксак даражага олиб чиқди. Истеъдодларни асраш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида жуда кўп ишлар қилинди. Пойтахтимиз марказида Адилбар хиёбони барпо этилиши, ижодкорларга ёдгорлик ҳайкаллари ўрнатилиши, шу ернинг ўзида Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, унча узоқ бўлган жойда улар учун уй-жойлар қуриб берилиши шулар жумласидан.

## “Ҳалима Худойбердиеванинг шеърларидаги ватанпарварлик жонфидолик, мардонорлик маъносига уйқаш. Шеър руҳи лаҳзада сизни забт этади. Эҳтиросларнинг гуллаб, тошиб келган оқими қаърига тортиб кетади”.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони.

диёва деган машҳур шоирани яхши билгани ҳолда унинг қандай шароитда яшашидан хабарсиз экан. Кўп ўтмай, уларнинг оиласи янги уй-жой билан таъминланди.

## — Ўқувчилик кезларидаёқ Ҳалима Худойбердиева Шароф Рашидовнинг назари тушган дейишадими...

— Республика раҳбари сифатида Шароф Рашидовнинг ташвиши қанчалик кўпчилигига қарама-қарши, у киши адабиётдаги “йил” этган учқунни ҳам назардан қочирмасди. Бир гал хизмат сафари билан борганида Сирдарё вилояти газетасида чоп этилган Ҳалима Худойбердиева шеърларига кўзи тушиб қолади. Ўзига ҳамроҳ бўлиб юрган вилоят раҳбарига бу шеърларни кўрсатиб, у ҳақда сўраб-суриштиради, ҳали

истеъдод соҳибларининг барчаси оддий халқ орасидан етишиб чиққан, чекка ҳудудларда, тоғу тошларда, дашту далаalarda, қишлоқларда аҳоли қандай нафас оляпти, нималардан қийналиб, қандай оғриқ-умидлар билан яшайпти — буни билиб, ҳис этиб туришарди. Ҳалима Худойбердиева ҳам бу ноёб фазилатни ўзига шиор қилиб олган ижодкор эди.

Шароф Рашидов вафотидан кейин Ҳалима Худойбердиева унга атаб “Алвидо, отажоним” деган шеър битди. Анча узун бу шеърда “Юракларга қулаган энг юксак тоғ...” деган сўзлар, назаримда, Ҳалима Худойбердиева ўзи эъзозлайдиган Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Агар ўлсам, асло қора туپроқдан ахтарманг, Яшарман ахли ориф кўнглин мангу макон айлаб”, деган сатрларига уйқаш оҳангда, эзгу ишлар завол билмаслигига, яхши инсонлар номи халқ қалбидега абадий сақланиб қолишига қатъий ишонч эди. Бундай ишонч ҳаётни гўзаллаштиради. Фидойи, аммо ўз ҳақини талаб қила олмайдиган одамларга эътибор қаратиш лозимлигини уқитиб туради. Қарама-қаршиликларга тўла ҳаётининг қоронғи томонларини ёритади. Унинг адолатини юзага чиқаради. Ҳақиқатан ҳам, қирқ йил аввал шоира айтган башорат амалда ўз исботини топди. Шароф Рашидовнинг халқ ўз юрагидега асраб қолгани аён бўлди. Унинг эзгу, савобли ишларини

Афсуски, ўзбек халқининг куйчиси Ҳалима Худойбердиева бундай имкониятлар даврида яйраб-яйнаб ижод қилишига бевақт ўлим ҳалакат берди. Шоира вафотидан сўнг унинг ижодида эътибор яна кучайди, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этилди, ёдгорлик ҳайкали ўрнатилди, китоблари қайта-қайта чоп қилинмоқда. Унинг ўзбек адабиёти учун тобора аҳамият касб этиб бораётгани халқимизнинг азалий қадриятлари, урф-одатлари, турмуш тарзи асосида шаклланган шахсиятида ҳам намоён бўлган эди. Ҳеч кимга сир эмас, қишлоқ манзилларида ота-оналар қизлари узатилган жойда тинчиб кетишни ният қилиб, шунга яраша ибратли таълим-тарбия беришарди. Тандир-ўчоққа ўт ёқиб, нон ёпишдан сигир соғишгача рўзғор ишларига ўргатишиб, борган жойида тоғ қотсин, дейишарди. Ҳалима Худойбердиева ана шу муҳида ўсиб, Худо берган истеъдодини ўқиб-изланиш орқали камолотга етказа олган эди. Шуниси билан халқимиз меҳр-муҳаббатини қозонган эди. Бу унинг “Онагиман, дориламон кунлар келди...” деган машҳур сатри билан бошланадиган шеърларида:

*Боғлардаги этилгуси ҳар меваги шох,  
Ризқдор бизга, ризққа доим бил шинжилқидор.  
Ўғлонларинг келар, ана, очибиб кучок,  
Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдор,*

сатрларидан тортиб:

*Боболарим бирин-кетин суяк суриб ўтган Ер,  
Момоларим сочларини қирқта уриб ўтган Ер,  
деган, асрлар қаъридан келаётгандек туюлган қадимий оҳанглarning навоси каби оташ қалб қаъридан отилиб чиққан алангали ёлқинларда аён кўриниб туради.*

Шойим БЎТАЕВ сўхбатлашди.

## Бизнинг сўхбат

### — Ҳалима Худойбердиева билан биринчи марта қачон учрашгансиз?

— Ўтган асрнинг олтинчи йиллари бошида. Адашмасам, ўшанда Ҳалимаҳон ўн — ўн икки ёшлардаги қизалоқ эди.

### — Бу воқеа қандай содир бўлган?

— Гапни сал олисдан бошлайдиган бўлсам, мен Бўстонлик туманида туғилганман. Она оҳанрабо бўлар экан. 1956 йили Тошкентдаги педагогика техникумини тамомлаб, туғилган жойимга борганимда мени ўзига чорлаб турадиган ана шу оҳанрабо, онажоним бу ҳаётни тарқ этган эди. Боёвут туманига йўлланма берилган, энди қаёққа бориб ишласам ҳам, унчалик фарқи йўқдай кўринди. Ва ушбу туманга келиб, 4-Боёвут совхозидеги 47-мактабда оддий ўқувчиликдан иш бошладим. Ҳозир янги Ўзбекистон даврида Сирдарё санъатшарҳи, хар томонлама тараққиёт сари юз тутган вилоят экани маълум. У даврларда шароит бошқача эди. Шафқатсиз шамол, кўз очиргани кўймайдиган чанг-тўзон, чўлни ўзлаштиришга умумиттифок даражасида киришилган эди. Собик иттифоқнинг турли ҳудудларидан мутахассислар, айниқса, ёшлар оқиб келишарди. 1959 йилда мени туман ёшларига етакчи қилиб сайлашди. Тадбирлар, конференциялар ўтказардик, ёшларда романтик руҳ кучли эди. Орадан тўрт йил ўтиб, область (вилоят) комсомол комитетига ишга ўтдим. Қишлоқлар қолоқ, ҳўжаликлар ривожланмаган, тоғ қишлоқларидан кўчиб келган оилаларни, айниқса, ёшларни кўнктириш керак. Тез-тез ёшлар конференциялари ўтказиб туриларди. Ҳалимаҳонни ана шундай анжуманларнинг бирида учратдим, у Боёвутнинг унчалик ривожланмаган ҳўжалигидан конференцияга қатнашиш учун мактаб томонидан юборилган ёш шоира экан. Ҳалимаҳон бу тадбирда ўзи ёзган шеърни ўқиб бериб, иштирокчиларнинг оқлишини олган эди.

### — Қанақа шеър эди?

— Буниси ёдимда йўқ. Аммо Ҳалимаҳоннинг овозидаги бошқаларга ўхшамаган ўзига хос оҳанг иштирокчиларни мафтун этганини эсламан. У ўша даврдаги ҳамма қишлоқ қизлари каби одми кийимда эди. Аммо “қирқта қилиб ўрилган” мажнунтол новдаларидай солланиб турган кочилари уни қалбга яқин қилиб кўрсатарди.

Қайси соҳада бўлмасин, оддий халқ орасидан улуг инсонлар етишиб чиқгани тарих исботлаган. Бу бежиз эмас. Тўзуллар, даврлар ўзгаргани билан ўзбек халқи генетикадаги факуллода салоҳият ҳеч қачон йўқолиб кетмаган. Менимча, ўтган асрнинг 60-йилларида Ҳалима Худойбердиева ана шу генетикдан ниш урган тоза гунча бўлган. Ўша вақтда республика раҳбарлигидан бўшатилган Усмон Юсупов ҳам Боёвутдаги қолоқ бир ҳўжаликка етакчилик қиларди. 1959 — 1961 йиллар давомида туман ёшларининг раҳбари сифатида иш юзасидан у киши билан тез-тез учрашиб, мулоқот қилиб турардим. Халқ Усмон Юсуповни беҳад яхши кўрарди, “Ота” деб улуларди. Қанд касали бўлгани учун Усмон отанинг столида ҳаммаша чойнак тўла кўк чой турарди. У киши ёшлар тарбияси, уларни қўллаб-қувватлаш кераклиги ҳақида кўп таъкидларди. Тўғрилиқ, одамийлик, чўлни қандай обод қилиш борасида Усмон ота

### бу ерларда катта ишларни амалга оширди. Ҳалима Худойбердиева ана шу муҳида улгайиб, етук шоира бўлиб етишди.

### — Таъбир жоиз бўлса, сизларнинг кўз ўнгингизда. Шундай эмасми?

— Албатта. Марказқўмдаги вазирам ҳам адабий жараёндан хабардорликни тақозо этарди. Ҳалима Худойбердиева ўзбек шеърини янги ёниб кириб келди, унинг халқона оҳанглардаги самимий сатрлари тўғри қалбларга етиб борарди. Гапни чўзмаслик учун, улардан мисоллар келтириб ўтирмайман. “Биладиган ўзи билади, билмайдиганга фойдаси йўқ” дейишган-ку. Хуллас, ёшлар Ҳалима Худойбердиевани давраларда интик қутишар, унинг янги ёзган шеърларини сиёҳи қуримаёқ илосмандлари ёдлаб олишиб, ҳатто овозига ҳам тақлид қилган ҳолда ўқиб юришарди. У маҳалларда шеърпарастлар кўп эди, шеърий тўпламлар ҳам шунга яраша ўн минглаб нусхаларда чоп этиларди. Ҳалима Худойбердиеванинг ҳам китоблари шунақа бўлди, ҳатто раҳшданми-бошқа сабабданми билмадим, унинг қаердан, қандай келиб қолганини сўраб-суриштирган ҳолда қилдан қийқ ахтарарди “шунослар” очик айтмасда, унга теккизиб нималарнидир гингши ҳам бошлашди. Ҳалима Худойбердиева эса шеърини осмонидега сўнмас юлдуз каби тобора ёрқинроқ нур сочиб, қалбларни ёриштирарди. Бу жуда улуг аълом.

### Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА деганди:

“Шеърятга борлигини бағишлаган инсон ҳаётни чуқур англаб, уни янада яхши кўриб бораверади. Умрим давомида турли синовларга дуч келдим. Лекин ижоддан тўхтаганим йўқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёевга адабиётга, ёзувчи ва шоирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратаётган алоҳида гамҳўрлиги, камтарин меҳнатларини юқори баҳолаб, Ватанимизнинг юксак муқофоти — “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирлагани учун чин дилдан миннатдорлик билдираман”.

“Биз, оналар, бор имкониятимиз билан тупроғида отамиз, онамиз, қолаверса, буюк аждодларимиз ётган шу Ватанга болаларимиз юрагини меҳр-муҳаббат ришталари билан чамбарчас болғашимиз керак. Шунда келаётганимиз, қолаверса, фарзандларимиз келажаги, албатта, буюк бўлади”.

“Ижодкор қайси даврда яшамасин, шу давр таъсири унинг ижодида акс этмай қолмаганидек, ўзи ҳам яшаётган муҳитига ижобий таъсир эта олиш қудратига эга бўлиши лозим. Шу давр одамлари руҳиятига, юрагига эзгулик уруғини сочиш ҳақиқий ижодкорнинг иши ҳисобланади”.

### — Демак, унга барча йўллар очик бўлган?

— Йўқ, аксинча, у оила курганида ҳам ўқиб-ўрганиш, ўз устида қаттиқ ишлаш билан бандлигидан, бошқа йўллар ҳақида ўйлашга вақти бўлмаган. Ўша пайтда Олий таълим вазирлигида ишлаётган турмуш ўртоғи, кейинчалик давлат ва жамоат арбоби бўлиб етишган иктисодиёт фанлари доктори, профессор Мавлоно Умрзоқов билан болалари кўпайишганда ҳам ижарама-ижара кўчиб юришган.

Ҳали айтганимдек, Боёвутдаги фаолиятим туфайли биз Ҳалима Худойбердиевага катта умид билан қарардик, туманимиз шўҳратини дунёга ёйишига ишонардик. Ога-ини, қавму қариндош каби оилавий борди-келди қилардик. У танкили шоира эканида Москвадаги адабиёт институтига ўқишга борди. Уни битириб келганида бир кун турмуш ўртоғи билан болаларини етаклаб уйимизга келиб

ўқувчи эканини билиб, келажақда ундан улуг ижодкор чиқишини башорат қилади, эътибордан қочирмаслик кераклигини тайинлайди. У киши ижодкорлар, илм аҳли ҳолидан хабардор бўлиб юришни раҳбарлик фаолиятининг энг муҳим қисми деб ҳисобларди. Бизни ҳам шундай қилишга даъват этарди. Ўша маҳалларда энди адабиёт майдонига кириб келган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби ёшларга муносабатда ҳам шундай бўлган.

### — Улар бундай юксак эътиборга қандай муносабатда бўлишган?

— Масъулият билан. Ҳа, масъулият билан. Эътибор банд бўлса-ю, ижодкорда шахсий масъулият бўлмас, қутилган на-тижа юзага келмайди. Ижодкорлар ўз халқининг қиёфасини акс эттиради. Бошқалар уларга қараб, ўша халқларга баҳо беришарди. Мен бу икки улуг шоир билан дўстона алоқада эдим. Эркин Во-

## СПОРТ хабарлари

### АБДУЛЛА ПАРИЖ ОЛИМПИАДАСИГА БОРАДИ

Кеча пойтахтимизда спорт гимнастикаси бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Осиё чемпионати бошланди. Унда 23 мамлакатдан жами 150 нафарга яқин атлетлар қитъа голиблиги учун куч синашмоқда.



Абдулла Париж

Кувонарлиси, мусобақанинг дастлабки кунини юртимиз вакиллари учун омадли келди. Катталар бахслари бўйича яққалик йўналишининг кўп кураш дастурида “Париж — 2024” Олимпиадасининг ягона йўлланмаси Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Абдулла Азимовга насиб этди. Спортчимиз ўз чиқши орқали жами 82.431 балл жамғариб, Осиё чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди. Қитъа турнининг биринчи ва иккинчи ўрин эгалари ҳисобидега Олимпиада йўлланмаси бўлгани боис юр-

дошимиз ушбу лицензияга эга чиқди. Мусобақа доирасида 16 — 19 май кунлари эркаклар, 24 — 26 май кунлари аёллар тоифасидаги бахслар ўтказилиши режалаштирилган.

## ЮРДОШИМИЗ — ҚИТЪА МУСОБАҚАСИ СОВРИНОРИ

Шу кунларда Вьетнамнинг Да-Нанг шаҳрида таэквондонинг WT йўналиши бўйича катталар ўртасида 26-Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда. Мусобақада Ўзбекистон эркаклар ва аёллар терма жамоалари ҳам жами 16 та вазн тоифасида қитъа чемпионлиги учун кураш олиб борапти.



Боксчи қизларимиз

54 килограммга вазн тоифасида иштирок этган спортчимиз Жаҳонгир Худойбердиев қитъа чемпионатида илк иштирокчидаёқ совриндор бўлиб, бронза медални қўлга киритди. Саралаш бахсларида Япония ва Таиланд вакиллари билан мағлуб этган

спортчимиз яримфиналда покстонлик Шаҳзаб Ханга имкониятни бой берди. Эслатиб ўтамиз, Осиё чемпионатида Никита Рафалович, Светлана Осипова сингари маҳоратли таэквондочиларимиз ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

## БОКСЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ БЎШ КЕЛИШМАЯПТИ

Авал хабар берилганидек, Россиянинг Хабаровск шаҳрида Константин Коротков хотирасига бағишланган халқаро турнир давом этапти.

Мусобақанинг қизлар баҳсида рингга кўтарилган 4 нафар боксчимиз ўз рақибларини мағлубиятга учратиб, кейинги боксчига йўл олди. Хусусан, Робияхон Бахтиёрва (50 кг.гача вазн тоифасида) Екатерина Молчановани (Россия), Азиза Ёқубова (54 кг.гача вазн тоифасида) Беларус Республикаси боксчиси Улия Апанасовични, Диффуза Бекова (66 кг.гача вазн тоифасида) россиялик Анжелика Гануковани, Азиза Дайирбекова (75 кг.гача вазн тоифасида) Анна Максимовани (Россия) ҳеч қандай имконият қолдирмай мағлуб этди.

«Халқ сўзи».

## Бунёдкорлик ЕР ОСТИ ЙЎЛИ ҚУРИЛМОҚДА

Анджон вилоятининг ҳар бир шаҳар ва туманларида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Хўжаобод деҳқон бозори олдида ер ости йўли қуриляпти.

— Ушбу манзил Хўжаобод тумани марказида жойлашган бўлиб, мамлакатимизни Қўрғиз Республикаси билан боғлаб туривчи халқаро аҳамиятдаги йўл ҳисобланади, — дейди “Узйўлқўрик” кластери Анджон филиали раҳбари ўринбосари Абдухон Мирзаев. — Бу ерда бир кунда 35 минг автомобиль, 80 минг нафар пайда ҳаракатланган боис тирбандликлар кузатишмоқда. Қулайлик яратиш мақсадида узунлиги 48 метр, эни 4 метрдан иборат ер ости йўли қуриляпти. 20 нафар ишчи ва 10 дан зиёд техник воситалар ёрдамида барпо этилаётган ушбу лойиҳа қиймати 1 миллиард 750 миллион сўмни ташкил қилади. Бунёдкорлик ишлари йил якунига қадар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

## Ўзбекистонда «Ҳаж — 2024» мавсуми 23 майдан бошланади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

**Бош муҳаррир Эткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 325 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқий маълумотларни оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6788

Таҳриратга келган кўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг маълумоти берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Қаримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.30 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6